

Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

45

(1207)
6-NOYABR

2015

www.xabar.uz
info@xabar.uz

1992-YIL MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

ЮЗ ЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МЕВАСИ

ёки NGN технологияси — давр билан ҳамнафас

Кейинги авлод тармоғи ёки Next Generation Network (NGN) ҳозирги кунда телекоммуникация операторлари каби уларнинг бюртмачиларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Бундай қизиқиш инсон ва бизнеснинг ҳар кунги ҳаётида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг таъсири ошишига асосланган.

Бугунги кунда ишлаб турган телефон тармоқлари ўтказиш полосасига қўйилмайдиган юқори талаблар ва ҳамма жойда бўладиган тарқалиш янги иловалар учун мўлжалланмаган эди. Интернет ушбу иловаларни қабул қила олади, лекин қабул қилинадиган максимал куч (Best Effort) принципи хизмат кўрсатиш ва ҳамма босқичининг зарур классларини таъминлай олмайди. Кўп йиллик эволюцион ривожланишга қарамасдан, нутқ ва видеотасвирларни юқори сифатли узатиш учун мос келадиган муҳит бўлмади.



"Ахборот-коммуникация технологиялари — тараққиёт асоси" танловига

5-бет

Сўнги янгилик!

Ушбу сонда:

Жанубий Кореядаги энг йирик алоқа оператори бўлиб SK Telecom компанияси дунёда биринчи ишга туширишни режалаштиряпти. Бу ҳақда компания бош директори Чой Жин-Сунг бешинчи авлод тармоқлари йўналишида иш олиб борувчи янги марказнинг очилиш маросимида маълум қилган. Агар бу режа удаланса, корейлар халқаро стандартлардан уч йил илгарилаб кетишади.

Ҳозир бу мамлакат фуқаролари 25 Мбит/с.гача тезликни таъминловчи 4G LTE тармоқдан фойдаланишапти.

Бешинчи авлод тармоғининг имкониятлари анча кенг, 19,1 Гбит/с. ҳозиргидан минг қарра юқори, масалан, юқори сифатли 2 Гб ҳажмли кинофилмни атиги бир сонияда кўчириб олишга тенг тезликдир.



■ Кореялик эксперт талабалар ҳузурида	2
■ Тараққиёт талаби доирасида	3
■ Виртуал савдонинг фойдаси	4
■ Успешно труятся делаясь своим опытом	6
■ Немис мўъжизаси	11
■ Ахборот хавфсизлиги ҳодисалари статистикаси	13

Jumadan Jumagacha

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 ноябр куни Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Жон Керрини қабул қилди.** Учрашувда минтақавий долзарб муаммолар юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди. Афғонистондаги вазият, хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. АҚШ Давлат котиби самийий қабул учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик эътибори билан, Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти икки мамлакат манфаатларига асосланган муносабатларини изчил ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

✓ Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 1 ноябр куни Марказий Осиёнинг беш мамлакати ва Америка Қўшма Штатлари ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов очди. Учрашувда АҚШ Давлат котиби Жон Керри, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов, Туркменистон ташқи ишлар вазири Рашид Мередов иштирок этди. Учрашув якунида Марказий Осиёнинг беш мамлакати ва АҚШ ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация қабул қилинди. Тадбир иштирокчилари олти давлат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида умум манфаатдор масалалар юзасидан мунтазам сиёсий мулоқот ўтказиш бўйича ўзаро ҳамкорликнинг янги формати — "С5+1"ни ташкил этишни маълумлади.

✓ **Миллий гоа ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ўқитилишининг долзарб масалалари" мавзуда семинар ўтказилди.** Тадбир доирасида "Ўзбекистон тарихи. Мустақиллик даври" мультимедиа ўқув қўлланмасининг тақдироти бўлиб ўтди.

✓ Қаршида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳофазатлари қонун ҳимоясида" мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими ташаббуси билан ташкил этилди.

✓ Наманганда "Кексаларни эъзоллаш йили Давлат дастури" ижроси доирасида маънавий-маърифий тадбир ва миллий либослар кўرғазмаси бўлиб ўтди. Тадбирда хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотларининг етакчилари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари қопидаги "Ораста қизлар" тўғарақлари раҳбарлари иштирок этди.

Кореялик эксперт талабалар ҳузурида

"Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш марказининг кореялик эксперти Санг Тао Ким Ўзбекистон Республикаси жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултети талабалари билан учрашди ҳамда корея тилида "Электрон ҳукумат, унинг Жанубий Корея ҳамда Ўзбекистондаги кўриниши" мавзуда маъруза ўқиб, суҳбат ўтказди.

Ушбу жараёнда КОИСА ташкилотининг маслаҳатчиси, профессор Вонте Сол, университетнинг "Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти" кафедраси муdiri Назира Тошпўлатова ва талабалар иштирок этди.

Дастлаб, Жанубий Корея Республикасининг иқтисодий бўҳрондан чиқиш кетиши ҳамда электрон ҳукуматнинг мамлакат ҳаётига кириб келишига оид видеофилм намойиш қилиниб, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ўсиши нафақат мамлакат бошқаруви, балки унинг аҳолисига ҳам боғлиқлигини Санг Тао Ким алоҳида таъкидлади: "Ўзбекистон ўзи-

нинг "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантиришда тўғри йўлдан бормоқда, — деди эксперт. — Дастлаб биз бу йўналишни бошлаганимизда ҳар бир идора, ҳар бир ҳудуд ўзи учун алоҳида электрон ҳужжат алмашишини йўлга қўйган эди. Бунда эса тарқққлик яққол кўзга ташланди. Кейинчалик яна анча маблағ сарфланиб, идораларо ягона электрон ҳужжат алмашинув тизимига ўтилди. Ўзбекистонда эса "Идораларо ҳужжат алмашинувининг Ягона реестри" аввалданоқ йўлга қўйилган ва бу йўналишда ишлар олиб борилмоқда.

Кореяда давлат идораларига мувожадат юбориш инфокиосклар, мо-

бил восита, факс, онлайн орқали амалга оширилади. Биометрик белги — бармоқ изи орқали виза ва декларацияларни тўлдириш, шахсини тасдиқловчи ҳужжат олиш мумкин. Бунда аҳолининг вақти тежалани, қоғозбозликнинг олди олинади. Ҳозирда Кореяда sanoat ишлаб чиқарилишининг 30 фоизи АКТ йўналишига тўғри келади. Мамлакат электрон ҳукумати дунёдаги 193 мамлакат орасида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда".

Шунингдек, жаноб Санг Тао Ким Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Очиқ маълумотлар порталининг ўзига хос амалий аҳамияти, фуқаролар учун қўлайликларини айтиб ўтиб, талабаларнинг "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантиришга оид саволларига жавоб берди.

Нигора УМАРОВА

NAZORAT

Очиқ эшиклар куни

2015 йил 30 октябрда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясида давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисида "Очиқ эшиклар куни" тадбири ўтказилди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, АТ "Ипотека банк" ва бошқа давлат органларининг АКТ мутахассислари иштирок этишди. Тадбирда инспекция томонидан ўтказилаётган ўрганишларнинг сифати ва самарасини ошириш ҳамда АКТни давлат органлари фаолиятида жорий этиш самардорлигини баҳолаш учун тақдим этиладиган ахборотларнинг сифати ва ишончлилигини мунтазам равишда ўрганиб борилаётганлиги таъкидланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги 102-қарори билан тасдиқланган Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ давлат органлари фаолиятида АКТни жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби, ўрганиш ўтказишнинг мақсади ва вазифалари, ўрганиш якунлари бўйича қўриладиган чора-тадбирлар, давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда аввалги ўтказилган ўрганишларда аниқланган камчиликлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб берилди.

Шунингдек, тадбирда инспекция томонидан АКТни жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати юзасидан ўтказилган ўрганишлар давлат органларида ўзининг ижобий самарасини берганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 355-қарорига асосан "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказлари томонидан давлат органларининг расмий веб-сайтлари, яратилган ахборот тизимлари ва ахборот хавфсизлиги таъминланганлиги ҳолатлари юзасидан Nis.uz тизимининг мониторинг натижалари бўйича ўрганиш ўтказилган давлат органлари кўрсаткичлари ижобий тарафга ўзгарганлиги ҳақида маълумотлар келтириб ўтилди.

Тадбир якунида айтиб ўтилган барча камчиликлар ҳамда тақлифлар атрофлича муҳокама қилиниб, давлат органлари вакиллари берган саволларга инспекция ходимлари томонидан жавоблар берилди.

Н.КОМИЛОВ,
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси 1-тоифали муҳандиси

Ҳукумат портали

Telegram орқали
янгиликлардан
хабардор қилади

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали — gov.uz энди Telegram мессенжериде ўз ботини ишга туширди.

Мутахассисларнинг айтишича, фойдаланувчилар бот ёрдамида сўнги янгиликлар ва порталдаги ўзгаришлардан хабардор бўлиши мумкин.

Бот ўзбек ва рус тилларида, @govuz_bot номи билан фаолият юритади.

Call-маркази ишга тушди



"Ўзбекэнерго" АЖ энерготизимда мулоқот маркази (Call-маркази) ишга туширилиши ҳақида эълон қилди.

Call-марказ 2015 йилнинг 2 ноябрдан иш бошлади. Мулоқот марказининг телефон рақами 202-50-55.

ALOQA KORXONALARIDA

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали юқори суръатларда ривожланаётган алоқа корхоналаридан бири. Компаниянинг телекоммуникация хизматлари миллий бозоридаги ўрни мустаҳкам бўлиб, бугун ва келгусида комплекс ҳамда ишончли хизматлар кўрсата олиш имконига эга. Мижозлар талаб-эҳтиёжига кўра, уларга кенг миқёсдаги хизматлар тақдим этиляпти.

Хизмат кўлами кенгаймоқда

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида "Ягона ойна" тамойили остидаги хизмат кўрсатиш ва алоқа хизматларини сотиш UZTELECOM савдо белгиси остида олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда ана шундай замонавий офисларда алоқа хизмати турларидан — симли алоқа, интернет, "ЎзМобайл" мобил тармоғига улаш, IPTV ҳамда қўшимча хизмат турларини улаш ва хизматларга тўловлар амалга ошириляпти.

Филиал томонидан UZONLINE савдо белгиси остида кўрсатиб келинаётган интернет хизматларининг жуда кўп афзалликлари бор, уларнинг энг асосийлари юқори тезликдаги, кенг полсалли хизматлардир. Бу хизмат нарҳининг ҳаммабплиги ва дунёнинг исталган нуқтаси билан бемалол мулоқотга киришишда қўл келиши билан афзал.

Симли алоқа хизмати ҳақида гап кетганда, баъзилар кўз ўнгиде бир неча ўн йиллар аввал фойдаланилган алоқа хизмати гавдаланиши мумкин. Йўқ, ундай эмас. Ҳозирги давр симли алоқа хизмати анча такомиллашган, сифати жаҳон талабларига мос келади. Гап шундаки, мижозлар уйларида туриб дунёнинг турли бурчаклари билан ҳам алоқа боғлашлари мумкин. Вилоят ҳудудида бугунги кунда 95та рақамли АТС ишлаб турибди, уларнинг монтаж сифими 62192, фойдаланиш сифими эса 45964га тенг. Улардан шунча абонент фойдаланмоқда. Қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчилар сони 28929 нафар бўлиб, жорий йилнинг 9 ойида 288111 минг сўм даромад олинди. Тахлиллар шунини кўрсатадики, жорий йилнинг 9 ойида маҳаллий сўзлашувлардан 1658437 минг сўм, утган йилнинг шу даврига нисбатан 566480 минг сўм кўп даромад олинди. Ижара каналларидан 159385, телеграф хизматидан 15306, интернет хизматидан 1577209 минг сўм даромад олишга муваффақ бўлинди. Филиал томонидан виллоят бўйича жами 8340536 минг сўмлик телекоммуникация хизматлари кўрсатилди. Бу 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 674580 минг сўмга кўп деганидир. Компания улуши ва соҳанинг бошқа даромадларисиз соф даромад режаси 4665942 минг сўм бўлиб, амалда 4725942 минг сўмга, фоиз ҳисобида 101,3 фоизга, утган йилнинг шу даврига нисбатан 129,1 фоизга ўсиш кузатилади. ADSL ўрнатиш режаси 108 фоизга уудаланди.

Филиал жамоаси "Ўзбектелеком" АК тизимидаги барча корхоналар сингари энг замонавий технологиялар ва жиҳозларни қўллаган ҳолда мавжуд тармоқни доимий равишда кенгайтири-



**Филиалда қури-
лиш манзилий рўйха-
тига киритилган
лойиҳалар ҳам ўз
вақтида олиб борил-
моқда. "Электрон
таълим" лойиҳаси
асосида Косон ахбор-
от технологиялари
КХКга режа бўйича
38 км. ОТАЛ тортиш
ишлари бошланиб,
"Телеком Инвест"
филиали билан
шартнома тузилган.**

риш, модернизациялаш йўлида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Филиал бугунги кунда маълумотлар узатиш тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланяпти.

Филиалда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилляпти. "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш марказ" филиалига 101, фуқаро муҳофазаси институтига 1, Марказий давлат архивига 1, "Электрон ҳукумат" марказига 13, Чет тили курсига 75, ижро интизоми машғулотларига 13, ягона чақирувларга хизмат кўрсатувчи ходимлар учун машғулотга 5, "Ягона ойна" офислари ходимлари ўқув машғулотига 5, техник ходимлар малакасини ошириш ўқув курсига 2 нафар ходим жалб этилди. Виллоятдаги 18та касб-ҳунар коллежи, ТАТУ Қарши филиалининг 7 нафар битирувчиси билан уч томонлама шартнома тузилиб, уларнинг бандлиги таъминланди. 236 нафар коллежлар, 94 нафар ТАТУ ва 115 нафар ТАТУ Қарши филиали талабалари филиалда ишлаб чиқариш амалиётларида бўлиши. Филиалга Яккабоғ ва Қамаш ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежлари бириктирилган бўлиб, икки нафар

коллеж ўқувчисининг ижтимоий аҳволи ўрганилди ва уларга 400 минг сўмлик ўқув қуроллари, 10та ахборот ва компютер технологиялари коллежига NGN технологиясини акс эттирувчи кўргазмали воситалар, соҳага тааллуқли ўқув қўлланмалари олиб берилди. Ёшлар билан доимий мулоқотлар, учрашувлар яхши йўлга қўйилган.

Филиалда қурилиш манзилий рўйхатига киритилган лойиҳалар ҳам ўз вақтида олиб борилмоқда. "Электрон таълим" лойиҳаси асосида Косон ахборот технологиялари КХКга режа бўйича 38 км. ОТАЛ тортиш ишлари бошланиб, "Телеком Инвест" филиали билан шартнома тузилган. Қарши шаҳри атрофидаги Қўнғирот ИПХ маскани кўчирилганлиги сабаб, ОТАЛ ётқизиш ишлари бошланиш арафасида. Шаҳрисабз шаҳрида кенг кўламли реконструкция ва қурилиш ишлари юритилаётганлиги сабабли алоқа телефон каналлизацияси, ҳаво линияларини кўчириш, 15 км. масофага икки каналли телефон каналлизациясини қуриш, 11,9 км. масофада линия кабелларини демонтаж қилиш, тўрт доната тарқатиш шкафи демонтажи, 16та таянчларни кўчириш ишлари олиб бориляпти. 1730 метр каналли янги каналлизация қурилиб, янги қурилган каналлизациядан 6460 метр алоқа кабеллари тортилди. Шаҳрисабз шаҳрида икки қаватли АТС биноси қурилди. Шаҳрисабзда 1200 метр янги каналлизация қурилиб, 2690 метр ОТАК ётқизилди. Сайёҳларга Wi-Fi зонасини яратиш учун ускуналар монтаж қилинди. Шу ва бошқа қайта таъмирлаш, қуриш, демонтаж ишлари учун филиал ходимларининг ўз кучи билан бажарган ишлари 877 378 802 сўмга тенг бўлди. Виллоятда мини MSAN станцияларини ўрнатиш ва оптик толали кабел ётқизиш ишларининг ҳам кўлами кенг бўлди. Нишон, Қарши ва Қамаш, Нуристон шаҳарчасида бир неча километр масофада ОТАЛ тортилди. Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик қўриш ишлари тўлиқ амалга оширилиб, ишчи-хизматчилар махсус кийим-кечаклар билан таъминланди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё виллоят-
даги мухбири

SEMINAR

Тараққиёт талаби доирасида

Термиз шаҳрида оптик толали алоқа линияларини қуриш ва эксплуатация қилиш билан шуғулланувчи муҳандис-техникларнинг икки кунлик семинар-ўқуви бўлиб ўтди. Белги-ланган режа асосидаги амалий тадбирда "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиалининг барча туман телекоммуникациялар боғламалари, кенг полсалли техник хизмат кўрсатиш бўлими ҳамда шаҳарлараро алоқа телефон станцияси ходимлари иштирок этишди.

Машғулотларни "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиали мутахассислари Рамзиддин Камолитдинов ва Хайрулла Жумановлар олиб боришди. Таъкидландики, мустақиллик шарофати билан амалга олган ислохотлар алоқа соҳасининг жаҳон андозалари даражасида раванқ топишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда унинг беқийс имкониятлари инсон фаолиятининг турли жабҳаларида қўл келяпти.

Ўқув-семинар якунида "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиалининг кенг полсалли оптик хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Тўлқин Шохбердиев, шаҳарлараро алоқа телефон станциясининг олий тоифали муҳандиси Абдуллабек Қобилов, Бойсун телекоммуникациялар боғламаси электромонтёри Баҳриддин Қаҳҳоров ва бошқалар мавзу доирасида ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоблар олишди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё
виллоятдаги мухбири

Ана шундай кўчма ўқув курси "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалида ҳам ташкил этилди.

Назарий ва амалий машғулотлар уйғунлигида олиб борилган ўқув курси тингловчилари ўзлаштирган кўникмалари юзасидан тест синовлари топширилди. Тингловчилар ўқув курси дастурларида мавзуларнинг аниқ ва тушунарли олиб борилиши, ўқитишнинг самарали услубларидан фойдаланиши, мавзуларнинг долзарблиги, кўргазмали воситалардан фойдаланиш, эришилган ютуқ ва камчиликлар юзасидан сўровнома варақасини тўлдирдилар. Бу, ўз навбатида, ўқувни олиб бораётган мутахассислар учун кейинги машғулотлар ташкил этилишида янгича ёндашувга олиб келади.

И.АФТОНДИЛОВ

Қашқадарё виллоятда телекоммуникация хизматларининг турларини янада кўпайтириш, мижозлар сони ва ишончини ошириш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Энг асосийси, ишончли ва сифатли хизмат кўрсатиш филиал ходимларининг ягона мақсади.

Xalqaro
hayot

■ ХХР раиси Си Цзинпин ва Тайван президенти Ма Инцзю 7 ноябр куни Сингапурда 1949 йилдаги Хитой фуқаролар уруши якунланганидан бери илк марта учрашади. Тайван президенти вакилининг маълум қилишича, давлатлар раҳбарлари "ҳар бир давлат масалалари юзасидан фикр алмашади". Икки республика ўртасидаги муносабатлар ярим аср олдин узилган бўлса-да, Тайван ҳанузгача расман Хитой таркибидagi маъмурий бирлик ҳисобланади.

■ ТУРКИЯДА 1 ноябр куни бўлиб ўтган парламент сайловларининг дастлабки натижалари эълон қилинди. Марказий сайлов комиссияси сайлов бюллетенларини юз фоиз ҳисоблаб чиққанидан сўнг Адолат ва тараққиёт партияси 49,5 фоиз овоз тўлагани ҳақида баёнот берди. Бу партия парламентдаги 550та ўриннинг 316тасини қўлга киритиб, мутлақ кўп овоз олгани боис, яқка ўзи ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқига эга бўлди.

■ МИСР президенти Абдул Фаттоҳ ас-Сиси Буюк Британиянинг Daily Telegraph нашрига берган интервьюсида А321 ҳаво лайнерининг жангарилар томонидан уриб туширилиши билан боғлиқ таҳминнинг асосиз эканлигини таъкидлади.

■ АҚШ президентлигига асосий номзодлардан бири Ҳиллари Клинтон минимал маошни федерал даражада 12 доллар/соат деб белгилашни таклиф қилди. "Мен минимал маошни федерал даражада соатига 12 доллар деб белгилашни истар эдим. Бошқа жамоаларни ҳам уни янада оширишга чақириб қоламан", — деди у Айова штатида ўтган тadbирда. Ўз навбатида, Клинтон хонимнинг рақобатчиси Берни Сандерс бу кўрсаткични 15 доллар/соатга кўтаришни таклиф қилмоқда.

Reuters агентлигининг маълумотига кўра, айна пайтда бу кўрсаткич 7,5 долларга тенг.

■ УКРАИНА инфратузилма вазирлиги қонунчилигини Европа Иттифоқи меъёрларига мослаштириш учун автотранспорт техник ҳолатини мажбурий равишда текширишни амалиётга киритишни таклиф қилмоқда. Унга кўра, енгил машина ва тиркамаларни 2019 йилдан, мотоцикл техникасини 2022 йилдан, халқаро синфдаги автобусларни 2017 йилдан, халқаро синфдаги юк машиналарни ва тиркамаларни техник кўриқдан ўтказишни жорий йилдан бошлаш режалаштирилмоқда.

„ЙЎЛ ХАРИТАСИ“ ТАСДИҚЛАНДИ

5G

Халқаро электралоқа иттифоқи (ITU) 29 октябр куни 5G мобил тармоғининг кейинги беш йиллик ривожланишини кўзда тутувчи "йўл харитаси"ни тасдиқлади.

Янги 5G технологияси 4G-тармоқлардан минг қарра тез маълумот узатиши билан афзал. Бу эса юқори тезликдаги интернетга нафақат компютер ва смартфонларни, шунингдек, миллиардлаб электрон қурилмалар: "ақлли" соатлардан тортиб ўзи бошқариладиган автомобилларгача улаш имконини беради.

ITU мутахассислари 5G учун изчиллик билан ишлаб чиққан техник талаблар саноат соҳаси-



нинг миллий ҳамда ҳудудий стандартлаштириш органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишини кўзда тутди.

5G барпо этиш йўлидаги навбатдаги қадам ноябр ойида Швейцарияда ташланади. Женевада бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон ра-

диоалоқа конференцияси қатнашчилари мазкур тармоқ учун частота полосалари ажратиш борасида келишиб оладилар. Шундан сўнг ишлаб чиқарувчилар янги стандартга мувофиқ ўз қурилмаларини лойиҳалаштиришга киришишади. Boston Consulting Group таҳлилларига кўра, 2020 йилга бориб мобил алоқа компаниялари томонидан 5G-тармоқ барпо этишга 4 трлн. доллар сарфланади.

"Йўл харитаси" инновацияларга эътиборини қайтариб, трафик мунтазам ошиб бораётган ахборот асрида ўзаро мулоқотларимиз қай тариқа амалга оширилиши белгилаб беради.

ITU Радиокommunikациялар бюроси раҳбари Франсуа РАНСИ.

СОФТ

ВИНДОВСЛАР ЕТАКЧИ

Net Applications шахсий компютерлар учун амалий тизимлар халқаро бозори ҳисоботини чиқарди. Windows оиласи жами тизимлар орасида 90,4 фоиз улуш билан яққол етакчи бўлиб турибди.

Энг охири чиққан Windows 10 улуши деярли 8 фоизга етган. Компаниянинг ҳисоблашича, уч йил давомида турли қурилмаларга Windows 10 ўрнатилиши бир миллиарддан ошади.

Энг оммалашган тизим эса Windows 7 (55,7 фоиз). Эътиборли томони, OS X амалий тизимлар оиласи ҳам худди "виндовс"нинг ўнинчи шакли қатори 8 фоизлик улушга эга бўлса, Linux тизимида бу кўрсаткич 1,6 фоизга тенг.



МОБИЛ СОФТ

ВИРТУАЛ САВДОНИНГ ФОЙДАСИ

Strategy Analytics мутахассислари Apple онлайн дўкони ривожланиш суръатларини ўрганиб чиқишди. Хулоса қилишда App Storeдан 300

мильондан ортиқ илова юклаб олинган. Шу кетишда 2021 йилга бориб Apple iOS App Store даромоди 30 млрд. долларга тенглашади. Айна пайтда даромаднинг тахминан 80 фоизини виртуал товарлар савдоси ва "in-app" савдолар қопламоқда.



МОБИЛ АЛОҚА

КИМЛИГИНГИЗНИ БИЛАМИЗ

Озарбайжонга келувчи хорижликлар мобил операторлардан сим-карта сотиб олишлари била-ноқ идентификация қилинади. Бу ҳақда мамлакатнинг алоқа ва юқори технологиялар вазирлиги ахборот-ҳисоблаш маркази хабар берган.

"Тегишли органларнинг ахборот тизимларига кириш имконияти яратилганидан сўнг мазкур қулайликка эга бўлди. Ҳозир маълумотлар онлайнда келяпти. Мамлакатимизга келган, паспорт назоратидан ўтиб, масалан, аэропортда сим-карта сотиб олган ҳар бир чет элликнинг шахсини тизим автоматик равишда аниқлаб беради", дейилади АХМ хабарида.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Каспийбўйи мамлакатига сим-карта беришнинг марказлашган тизими жорий этилган бўлиб, барча операторлар ягона қоидага бўйсунди.

ХАВФСИЗЛИК

ТРОЯНДАН
ЭЪТИЁТ БЎЛИНГ!

"Касперский лабораторияси" мутахассислари июль-сентябр ойлари мобайнида 2516та мобил банк троянларини аниқлашди, бу аввалги чоракдагидан деярли тўрт баробар кўпдир.

Троянлар энг кўп аниқланган мамлакатлар орасида Австралия (0,85 фоиз) биринчи ўринда. Корея Республикаси (0,4 фоиз) ва Россия (0,32 фоиз) ҳам мобил троянлар энг кўп уюштирилган мамлакатлар рўйхатига киритилган.

Айниқса, Trojan-Banker.AndroidOS.Agent.ad ўта хавфли бўлиб, у фойдаланувчининг логин ва паролидан ташқари, исм-шарифи, банк картаси рақами, унда фойдаланиш муддати тўғрисидаги маълумотларни зимдан ўғирлашга уринади.

БИЗНЕС

HP ИККИГА
АЖРАЛДИ

Жорий йилнинг 1 ноябрдан Hewlett-Packard компанияси расман икки мустақил компания — Hewlett Packard Enterprise ва HP Inc шаклида фаолият кўрсатишга киришди. Hewlett Packard Enterprise корпоратив IT-тизимлар соҳасида иш олиб бора, HPнинг асосий йўналишлари чоп этиш қурилмалари, ноутбуклар, планшетлар, мобил ва стационар иш ўринлари яратилган иборат. 3D-чоп этишни ривожлантириш ҳам мазкур шўъба зиммасига юклатилган.

HPнинг логотипи ўзгармади, Hewlett Packard Enterprisesни эса оқ фонда яшил тўртбурчак ва компания номи акс этган янги логотипдан таниб олиш мумкин.



С.ТЕМИРОВ тайёрлади

◀ 1-бет

"Ахборот-коммуникация технологиялари — тараққиёт асоси" танловига

ЮЗ ЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МЕВАСИ

ёки NGN технологияси — давр билан ҳамнафас

Замонавий тармоқларнинг камчиликларидан бири, уларнинг тор, махсус мақсад учун белгиланишидир. Алоқанинг ҳар бир тури ҳеч бўлмаганда битта мустақил тармоққа эга бўлади. Натижаси ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва техник хизмат кўрсатишнинг ўз босқичини талаб этадиган ажратилган тармоқларнинг ҳар бири ушбу тармоқлар энг кўп сонининг мавжудлиги ҳисобланади. Бунда бир тармоқнинг ресурслари, одатда, бошқасидан фойдаланмаслиги мумкин. Ахборот ресурслари билан тармоқлар ва хизматларнинг номенклатуралари ва функционалликни бир вақтда кенгайтириш билан ахборот ресурсларини самарали бошқариш эҳтиёжи юзага келади. Ушбу масалани амалга ошириш учун тўлиқ функционал мултисервис талаб этилади. Уларни яратиш кейинги авлод алоқа тармоқларининг асоси бўлади.

Кейинги авлод тармоғи иккита — телекоммуникация ва ахборот, бошқача айтганда, телефон ва компьютер соҳасининг бирикиши жараёнида акс этади. Шу сабабли телефониянинг классик хизматларидан бошлаб, маълумотларни турли узатиш ёки уларнинг комбинацияларига хизматларнинг кенг тўпламини таъминлайди.

Янги авлод тармоғи — бу телекоммуникациянинг юз йиллик ривожланиш меваси бўлиб, унда умумий фойдаланишдаги телефон тармоғининг масштаблилиги ва ишончилиги интернет тармоғининг кўлами ва

мослашувига мос келади. Янги авлод тармоғининг энг содда таърифига асосан — IP-трафик бўйича эртанги юкламани қабул қилиш учун зарур масштаблилиги ва бозор талабларига тез таъсир этиш имконига эга мослашувни бир вақтда таъминлаган ҳолда, амалдаги иловалар ва хизматларнинг бутун гаммаларини самарали қўллаб-қувватлашга асосланган очиқ стандартли, пакетли инфратузилмалардир. Унинг мажбурий шартларидан яна бири конвергенция ҳисобланади, бунда иловалар конвергенциядан (масалан, нутқ ва маълумотларни узатиш) инфратузилма конвергенциягача (оптика ва IP) барча аспектларда қўлланилади.

Кейинги авлод тармоғи алоқа ва маълумотлар узатилишининг барча эҳтиёжларини таъминлашга асосланган универсал телекоммуникация инфратузилмасидир. У интернетни оддий телефон ва симсиз тармоққа ўзаро боғлайди. Бундан ташқари, фойдаланувчиларда ўзларининг эҳтиёжларига мувофиқ коммуникация серверларни "конструкциялаш" имконияти юзага келади.

NGN умумий фойдаланишдаги телефон тармоғи учун хос бўлган ишончилиги даражасига эга ва интернет бўйича маълумотларни узатиш баҳоси яқинлашган ахборот ҳажмининг бирлиги ҳисобида узатишнинг қўйи баҳосини таъминлайди. NGN пакетли телефониядан (VoIP) интерактив телевидение ва WEB хизматгача универсал транспорт муҳити

устида қўйилган сервислар тузилиши имкониятларининг массасини очади.

Янги авлод тармоғи фойдаланувчининг жойлашган ўрни ва улар томонидан фойдаланиладиган интерфейслардан қатъи назар, сервислардан фойдалана олиниши билан фарқланади (Ethermer, xDSL, Wi-Fi ва ҳ.). Тармоқ фойдаланувчиси исталган сервислардан фойдаланиш имконига эга.

Янги авлод тармоғи юқори дароматли хизматларга ўтиш йўлини бир вақтда таъминлаган ҳолда, келгусида бозор талабидоғи мослашишни ва янги хизматларни тез татиқ этиш имкониятини ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш қонун ҳужжатлари ва норматив ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш, давлат бошқарув органлари, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа йўналишларда АКТни юритиш, шунингдек, дунё ахборот ҳамжамиятига уларни интеграциялашга йўналтирилган фаол сиёсатда аксини топган.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тез суръатларда ривожланмоқда. Ер шаридоғи ҳар бир давлат аҳолиси учун интернет, маълумотларни узатиш тармоғи, глобал

ахборот ҳамжамияти ва шу каби тушунчалар оддий ҳол бўлиб қолди. Юқори технология ҳар бир инсоннинг, у қасрда бўлишидан қатъи назар, ажралмас ҳамроҳи бўлиб, ахборот-коммуникация технологиялари жамиятнинг ривожланиши ва кишиларнинг ҳаёт тарзи ўзгаришига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Янги ахборот технологиялари бозорида босқичма-босқич ривожлантириш ва реконструкция қилиш NGNгача тармоқни модернизациялаш ва тақдим этиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтириш имконини беради.

NGN оператор бизнесини ривожлантиришда муҳим қадамдир. Умуман, жаҳон телекоммуникация санмати капитал ва операцион харажатларни камайитиришга, шунингдек, фойдаларни оширишдек манфатдорликка қурилган. Анъанавий тармоқларга нисбатан 80 фоиз кам элементлардан иборат NGN тармоғи, шунингдек, харажатларни 60 фоизга камайитириб, янги хизматларни тақдим этиш ҳисобида даромадларни 20 фоизгача оширишни қафолатлади.

Феруз СУЛАЙМОНОВ,
TATU магистранти

ЭСЛАТИБ УТАМИЗ, "Ахборот-коммуникация технологиялари — тараққиёт асоси" мавзусидаги мақолалар танлови давом этмоқда!
Мақолаларинизни "Танловга" эслатмаси билан e-tanlov@mail.uz ёки info@xabar.uz манзилига юборинг.
Танлов ҳақидаги батафсил маълумот xabar.uz сайтида.

INFOGRAFIKA

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ (АКТ)

Республикаимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида

13 ОТМда

28 Магистратура мутахассислиги

17 Бакалавриатура йўналиши

бўйича кадрлар тайёрланади.

14 916 АКТ йўналиши ва мутахассислиги бўйича талабалар тахсил оляпти

АКТ йўналиши бўйича профессор-ўқитувчилар фаолият юритяпти

1 310

ОТМларнинг АКТ базаси

компьютерлар сони 31 646

ноутбуклар сони 2 828

серверлар сони 136


электрон доскалар сони 741

проекторлар сони 1 423

электрон ресурслар сони 36.3 минг

компьютер хоналари сони 922

Ҳар 100 талабага тўғри келадиган компьютерлар сони



бошқарув 7% бошқа мақсадларда

ахборот-ресурс марказлари 8%

ОТМларда компьютерлардан фойдаланиш улуши 11% 23% 31 646

илмий-тадқиқот

ўқув жараёнида 56%

АРМлар библиографик ёзувлари сони

электрон ресурслар сони 36.320

электрон шаклга ўтказилган I ва II блок фанлари ресурслари 14.151

842.373



ОТМларда ўртача интернет тезлиги

96.1% интернетдан фанол фойдаланувчи талабалар

34.8% интернет воситасида дарс ўқитувчилар

интернетдаги ОТМ веб-сайтлари 76

Wi-Fi нуқталари сони 1016

Ушбу маълумотлар ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қайта ишланган ва тайёрланган. 2015 ЎзР ОУМТВ.

Ислам КАРИМОВ:

... уважать и заботиться, получать благословение наших почтенных аксакалов, отцов и матерей, которые вырастили, воспитали нас, вынесли на своих плечах все тяготы жизни, взяли на себя ответственность за судьбу Родины, пережили вместе со страной радостные и горестные дни, является самым благим делом в мире.

Успешно трудятся делясь своим опытом

Такие благородные качества как доброта и милосердие, испокон веков присущи нашему народу. Дом, наполненный детским смехом, в котором с почтением и вниманием относятся к представителям старшего поколения, считается счастливым. Так повелось, что сначала старшие заботились о здоровье и воспитании подрастающего поколения, а затем уже ставшие взрослыми дети, аккумулировав полученное внимание, переданные им знания, традиции и обычаи, окружали почтением и уважением старших.

Проходят века, но отношение к детям и людям старшего поколения у нашего народа всегда остаётся неизменным. Важнейшим звеном в обществе, конечно же, служит семья с ее традиционными ценностями, среди которых особое место занимают уважение и почтение к старшим. Всё, что мы имеем сегодня — это та основа, опираясь на которую мы можем под мирным небом в спокойной обстановке успешно решать задачи дальнейшего социально-экономического развития и процветания нашей любимой Родины является заслугой представителей старшего поколения.

Как известно, работа — это наш второй дом, так как большую часть своего времени мы проводим здесь и трудовой коллектив — наша вторая семья. Это, несомненно, обязывает всех нас, работающих в Центре научно-технических и маркетинговых исследований "UNICON.UZ" относиться бережно и с большим почтением к нашим сотрудникам старшего поколения, опираясь на их советы и наставления, всегда помнить историю создания нашей организации.

Центр научно-технических и маркетинговых исследований решает в настоящее время самые актуальные вопросы в сфере развития информационных технологий и коммуникаций и успешно осваивает все новые и новые направления в отрасли. Сегодня более 70 % от общего состава сотрудников являются молодые специалисты. Талантливая молодежь, за которой без спора будущее нашей организации, обладает огромным потенциалом. Но, молодая поросль должна знать, кто стоял у истоков, какие специалисты принимали участие в становлении научно-исследовательской организации, кто создал нынешнюю научную школу в отрасли, уровень которой им предстоит поддерживать и отвечать за её дальнейшее развитие с учетом выхода на международную арену.

Каждому гарантируется свобода научного и технического творчества, право на пользование достижениями культуры. Государство заботится о культурном, научном и техническом развитии общества.

Конституция Республики Узбекистан. Глава IX. Статья 42.



■ На снимке: ветераны предприятия

Фото У.ЙУЛДОШЕВА

Особую благодарность и уважение хочется выразить Рихси Исаходжаевичу Исаеву — человеку, благодаря огромной энергии и организаторскому таланту которого была создана отраслевая научно-исследовательская организация и сформирован достойный уважения коллектив. Многие ведущие специалисты научной организации и отрасли с гордостью считают себя его учениками. Сегодня несмотря на свой почтенный возраст он продолжает успешно трудиться на благо нашей отрасли и страны, занимаясь преподавательской и организаторской деятельностью.

История становления нашей организации также неразрывно связана с именами наших уважаемых специалистов — Джуры Абдуллаевича Абдуллаева, Зайнитдина Бабахановича Гиясова, Сино Шахабитдиновича Кутбитдинова, Елены Владимовны Братчиковой, Виктора Петровича Ковалю, Светланы Павловны Ган, Светланы Ильиничны Абрамовой, Александра Викторовича Дурель, Асилджана Касымджановича Мирхабибова, Рината Рауфовича Муслимова, Мухсинжона Муминовича Мухитдинова, Искандара Рахмоновича Берганова, многие из которых и в настоящее время продолжают успешно трудиться в научной организации, щедро делясь своим богатым опытом с молодыми специалистами.

К ним также относятся Светлана Николаевна Страхова, Валентина Васильевна Кулебякина, Борис Иванович Линьков, Петр Иванович Сияшин, Раъно Джураевна Нуруллаева, Вера Алексеевна Шадиева, Ёкут

Нигматуллаевна Ахмедова, Зухра Абдуразаковна Гафурова, Марина Станиславовна Катеренко, Баходир Рахматуллаевич Якубов, Байсеит Сайфуллаевич Утабаев, Гузалия Салихьяновна Абдулазизова, Елена Владимировна Сияшина, Лавиза Фуатовна Исакова, которые внесли и вносят свой достойный вклад в развитие ГУП "UNICON.UZ".

Благодаря их обширному кругозору, богатому жизненному опыту и продолжающейся плодотворной научной деятельности молодежь в нашей организации проходит уникальную школу обучения накопленным знаниям, практическим навыкам и патриотическому воспитанию.

К сожалению, сегодня нет с нами Пулата Фаттаховича Хасанова, Жалолы Саидмуродовича Саидмуродова, Хусана Толибжоннова, Махсумы Аленовны Мналимовой, Абдухабова Мунавварова. В своем направлении каждый из них был неповторимым лидером — специалистом с большой буквы. Они внесли огромный вклад в становление и развитие нашей организации и отрасли в целом, и мы всегда будем помнить о них.

Именно благодаря неустанному труду ветеранов нашей организации Государственное унитарное предприятие Центр научно-технических и маркетинговых исследований "UNICON.UZ" стало авторитетной организацией не только в сфере информационных технологий и коммуникаций, но и в других секторах экономики Узбекистана. Почет, уважение и общее внимание, которыми сегодня окружены ветераны в научной организации, лишь в малой степени передают те чувства глубокого уважения и искренней признательности, которые испытывают к ним все наши сотрудники.

Умида УМАРХОДЖАЕВА,
сотрудница ГУП "UNICON.UZ"



голосуйте за свое чудо!

Сегодня акция "Семь чудес Узбекистана" выходит на финишную прямую — началось голосование за самые популярные и значимые по мнению народа исторические и туристические объекты Узбекистана.

Заходите в раздел "Культурное наследие Узбекистана", выберите любимые объекты культуры, истории или природы и голосуйте за них. Голосовать можно за любое количество "чудес" один раз в сутки за каждое.

Голосование продлится до конца года, объекты, набравшие наибольшее количество голосов будут включены в список Семи чудес Узбекистана.

Напомним, что акция "Семь чудес Узбекистана" была запущена чтобы собрать в единую базу все наше культурное богатство, — начиная с архитектурных и археологических памятников, заканчивая чудесами природы и обрядами. Определение семерки главных достопримечательностей Узбекистана будет осуществляться силами всех, кто хочет внести свой вклад в историю Узбекистана, передачи ее будущим поколениям и широкому распространению информации о культурном наследии страны.

Площадкой проведения акции служит раздел Образовательного портала Ziyonet "Культурное наследие Узбекистана". В акции могут принять все желающие, зарегистрированные и авторизованные на портале.

По итогам голосования будет определена семерка объектов с официальным названием "Семь чудес Узбекистана", набравшая наибольшее количество голосов. Объекты, вошедшие в "Семь чудес Узбекистана", будут объявлены на торжественном заседании, посвященном окончанию акции.

Данная акция не только способствует популяризации достопримечательностей Узбекистана, но и способна расширить кругозор сограждан, познакомив их с культурным наследием страны.

Подробную информацию, а также порядок и условия участия в акции можно найти на сайте ziyonet.uz.

Инициатор акции Ресурсный Центр сети Ziyonet.

Зумрад ШАДЖАЛИЛОВА,
PR менеджер
ресурсный центр сети Ziyonet

Хабарлар +tv

ЎЗБЕКISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қушлар ҳаёти". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Қадирғочлар яна қайтди".
8.00 "Таҳлинома".
8.40 "Ер сайёраси". Х/ф.
9.30 "Матонат". Т/с.
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Ота-сингалар".
11.50 Иқлим.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Бараҳат денгиз". Х/ф.
13.40 "Менинг боғим".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Хиёлот сари".
14.45 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
15.25 "Бизнес старт".
15.50 Иқлим.
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қорачик".
17.30 "Субботдан".
17.45 "Бўрилар заминин". Т/с.
18.25 "Имконият".
18.45 Миллий сериал: "Ота-сингалар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Монк". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.25 - 00.05 "Қанотми ё ёёк". Б/ф.
00.05 Миллий сериал: "Ота-сингалар".
00.45 "Қарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Заковат".
3.30 "Денгиздан томчи".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Қадирғочлар яна қайтди".
5.10 - 5.55 "Ватанпарвар".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Қизлар мактаби".
6.30 "Мўҳаббат рипшаста". Б/ф. 1-қисм.
7.50 "Ёшлик наволар".
8.00 "Бобоқ бойлик". Т/с.
8.30 "Согол ҳаёт".
9.10 "Меҳмонжонлардан айтгани". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Қарқ тароналари". Б/ф.
10.10 "Қўрғиник". Б/ф.
11.30 "Қишлоқдаги тендошим".
12.00 "Дохлар". Т/с.
13.10 "Қалайқак пойдевори".
13.00 "Давр".
13.10 "Фан ва ёшлар".
13.30 "Қочоқ". Б/ф.
13.50 "Конституция дарси".
16.00 "Давр".
16.10 "Қўрқмас". Т/с.
17.00 "Қамолот-инфо".
17.10 "Ёшлар ва оммавий маданият".
17.30 "Мўжизавий дунё".
18.00 "Бобоқ бойлик". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Скарлетт". Т/с.
20.20 "Шарқ гавҳари".
20.50 "Ёшлик наволар".
21.10 "Қўрқмас". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Мангу эртэк". Б/ф.
20.30 "Мўжизавий дунё".
23.00 "Мехр ва меҳнат".
24.00 "Навоий набиралари".
4.40 "Бухорин шариф".
5.30-6.00 "Давр".

ДУШАНБА — 9 НОЯБР

TOSHKENT

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним".
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, "Роҳат".
6.20 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Мўҳаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Роҳат-спорт".
10.20 "Қас". Т/с.
11.15 "Телетахри".
11.45 "Роҳат-авто".
12.10 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
12.45 "Пошта-культура".
13.15 "Қадр ортда".
13.35 "Моёбиная камера".
13.45 "Роҳат-репортаж".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Қалбимда қил". Т/с.
15.50 "Роҳат-спорт".
16.10 "Устаси фаранглар". Б/ф.
18.15 "Илгиз марҳамат".
18.20 "Хиёлот".
18.40 "Мобил камера".
18.50 "Роҳат-интегую".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Мўҳаббат тантанаси". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Қалбимда қил". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очқ мулоқот" дан сўнг".
21.20 "Сифат назорат".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Мице переполох". Х/ф.
23.45 "Роҳат-ёко".
00.05 "Хиёлати дунё" "Она".
00.25 "Эртани эгалари".
00.45 "Қас". Т/с.
1.25 "Роҳат-ёко".
1.35 "Бадор қаймайд". В/ф.
3.55-5.55 "Тошкент вақти".

SPORT

23.30, 06.30 Д/ф ESPN
02.00 Х/ф "Гладиатор"

Сешанба

08.00 Хоккей.
10.15, 11.00, 12.00, 13.00,
14.00, 16.15, 18.00 Новости
10.20, 11.05, 05.15 "Ты
можешь больше!" жизни
12.05 "Живи сейчас" жизни
13.05 "Французский акцент"
13.30 Д/и "Второе дыхание"
14.05 Хоккей. Суперсерия
Россия - Канада. Молодежные
сборные. Трансляция из
Канады
16.20 Д/и "Первые леди"
16.35, 06.15 "Особый день с
Александром Кокориным"
16.50 "Детали спорта"
18.05 "Спортивный интерес"
19.00, 01.00 Все на Матч!
20.00, 04.30 Д/и "1+1"
20.30 "Континентальный
вечер"
20.45, 06.30 "Удар по
мифам"
21.25 Хоккей.
23.50 "Удар по мифам"
00.00 "Куль тур с Юрием
Дудем"
00.30 Д/и "Рио жлет"
02.00 Х/ф "Команда из

штата Индиана"
06.45 Д/и "Тридцать великих
спортивных событий
последнего тридцатилетия"

Чоршанба

08.00 Хоккей. Суперсерия
Россия - Канада. Молодежные
сборные. Прямая трансляция
из Канады
10.15, 11.00, 12.00, 13.00,
14.00, 16.15, 18.00 Новости
10.20, 19.00, 01.00 Все на
Матч!
11.05, 04.45 "Ты можешь
больше!" жизни
12.05 "Живи сейчас" жизни
13.05 Д/и "Сердца чемпионов"
14.05 Хоккей. Суперсерия
Россия - Канада. Молодежные
сборные. Трансляция из
Канады
16.20, 06.15 Д/и "Тридцать
великих спортивных событий
последнего тридцатилетия"
17.30 "Лучшая игра с мячом"
18.05, 02.00 "Где рождаются
чемпионы"
18.20 "Куль тур с Юрием
Дудем"
20.00, 05.45 Д/и "Мама в игре"
20.30 "Удар по мифам"
20.45, 22.50 "Детали спорта"
20.55 Волейбол. "Динамо"
(Москва) - "Урал" (Уфа).
Прямая трансляция
23.00 Х/ф "Чемпионы"
02.30 Х/ф "Молодая кровь"

Пайшанба

08.25, 18.50 "Детали спорта"
08.30 "Где рождаются
чемпионы?"
09.00, 09.30, 10.00, 11.00,
12.00, 13.00, 14.00, 16.00,
18.30 Новости
09.05, 09.35, 19.00, 02.45 Все
на Матч!
10.05, 11.05, 12.05 "Ты
можешь больше!" жизни
13.05 Д/и "Сердца чемпионов"
13.30 "Спортивная анатомия с
Эдуардом Безугловым"
14.05 Х/ф "Чемпионы"
16.05 "Мохамед и Ларри.
История одного боя"
18.35, 22.45 "Особый день с
Дмитрием Комбаровым"
20.00, 21.30 "Дублер"
20.30 Д/и "1+1"

21.00 "Реальный спорт"
22.30 "Удар по мифам"
23.00 "Все за ЕВРО-2016"
23.30 Все на футбол!
00.35 Футбол. Чемпионат
Европы-2016. Отборочный
турнир. Норвегия - Венгрия.
Прямая трансляция
03.45 Д/ф "Выкуп короля"
05.00 Хоккей.
07.20 "Спортивный интерес"

Жума

08.20, 05.05 "Детали спорта"
08.30 "Куль тур с Юрием
Дудем"
09.00, 09.30, 10.00, 11.00,
12.00, 13.00, 14.00, 18.00
Новости
09.05, 09.35, 19.00, 02.45 Все
на Матч!
10.05, 11.05, 12.05 "Ты
можешь больше!" жизни
13.05 "Дублер"
13.35, 07.00 Д/и "1+1"
14.05 Хоккей. Суперсерия
Россия - Канада. Молодежные
сборные. Трансляция из
Канады
16.20 Д/ф "Выкуп короля"
17.30 "Лучшая игра с мячом"
17.45 "Удар по мифам"
18.05, 07.30 "Все за ЕВРО-
2016"
18.30 Д/и "Мама в игре"
19.30 Фигурное катание.
Короткая программа. Прямая
трансляция
21.00 Д/и "Первые леди"
21.35 Специальный
репортаж
21.55 Баскетбол. Евролига.
ЦСКА - "Уникаха"
23.45 "Спортивный интерес"
00.35 Футбол. Босния и
Герцеговина - Ирландия.
Прямая трансляция
03.45 "Мохамед и Ларри"
05.15 Х/ф "Тонка века"

Шанба

08.00 Д/и "Мама в игре"
08.30 "Дублер"
09.00, 09.30, 10.00, 11.00,
12.00, 13.00, 14.00 Новости
09.05, 09.35, 02.45 Все на
Матч!
10.05, 15.00 Д/и "1+1"
10.30 "Особый день с

Дмитрием Комбаровым"
10.45 "Удар по мифам"
11.05 "Ты можешь больше!"
жизни
12.05, 07.30 "Спортивный
интерес"
13.05, 16.30, 07.00 "Ресурс
жизни"
13.30, 06.30 "Все за ЕВРО-
2016"
14.05 Д/ф "Золотая лихорадка
Антоня Шипулина"
14.20, 16.20 "Детали спорта"
14.30 Д/и "Рио жлет"
15.30 Д/и "Первые леди"
16.00 "Спортивная династия"
16.10 Д/ф "40 лет спустя"
17.00, 00.00 "Реальный
спорт"
18.00 Теннис. Кубок
Федерации. Финал. Чехия -
Россия. Прямая трансляция
20.55 ФОРМУЛА-1. Гран-при
Бразилии. Квалификация.
Прямая трансляция
22.00 Футбол. Украина -
Словения. Прямая трансляция
00.35 Футбол. Швеция -
Дания. Прямая трансляция
03.40 Х/ф "Ринг"
05.40 Д/ф "Путь бойша"

Якшанба

08.30 Смешанные единоборства. UFC. Прямая трансляция из Австралии
11.00, 13.00, 14.00 Новости
11.05 Фигурное катание.
Гран-при Франции
13.05 "Поверь в себя. Стань
человеком"
14.05, 04.15 Д/и "Мама в
игре"
14.30, 23.05, 02.45 Все на
Матч!
15.30, 03.45 Д/ф "Спортивный
характер"
16.00, 05.30 Теннис. Чехия -
Россия. Прямая трансляция
20.45 ФОРМУЛА-1. Прямая
трансляция
00.05 "Реальный спорт"
00.35 Футбол. Венгрия -
Норвегия. Прямая трансляция
04.45 Д/ф "Золотая лихорадка
Антоня Шипулина"
05.15 Д/ф "40 лет спустя"

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

Табриқ.бай.шум!

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фаргона филиали жамоаси
Бағдод ПАТ ходими **Маматосиф ХИДИРОВ** ва Янгикўрғон
ПАТ ходими **Мансуржон ЭРГАШЕВНИ** муборак 60 ёши
билан, Риштон ПАТ ва Водил ПАТ ходимлари
Махаммадиёр БОЙМИРЗАЕВ ва **Ҳасанжон**
САИДАҲМЕДОВНИ 50 ёши билан чин диддан қутлайди.
Уларга энг эзгу тилақларни йўлайди.

"Ўзбектелеком" АК Фаргона филиали жамоаси
Данғара 572-АТС ходими **Ильмомжон АБДУЛЛАЕВ**
ва Марғилон ШТБ ходими **Юсуфали ҚУЗИБОЕВНИ**
муборак 60 ёши билан, Қўқон ТБ ходими **Тожижон**
ИСРОИЛОВНИ 50 ёши билан самғийи
табриқлайди. Уларга узоқ умр, фарзандлар
камолини кўришини тилайди.

Йигирма йил аввал, 1995 йил январининг 1-санасида Германиянинг Bundespost (Федерал почта) почта оператори Deutsche Post AG (Германия почтаси АЖ) акциядорлик жамиятига айлантирилди. Бу сани нафақат немис почтаси, балки бутун Европа, ундан кейин дунё миқёсида почта инфратузилмасини қайта шакллантириш бошланган кун сифатида бемалол тарих саҳифаларига тиркаб қўйса бўлади.



Немис мўъжизаси

Анъаналар ва замонавийлик уйғунлиги

Ахборот технологияларининг ривожланиб бориши анъанавий усулда хизмат кўрсатиб келган алоқа компаниялари, жумладан, почта учун фақат фойда келтиришини одил ҳакам — вақтнинг ўзи кўрсатмоқда. Биргина мисол. Агар 1990-йилларнинг бошларида ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам почтанинг атиги тўртдан бир қисми ўз вақтида манзилига етказилган бўлса, 2000-йилларнинг бошларига келиб почта жўнатмаларининг 95 фоизи жўнатилган кунининг эртасига тегишли манзилга кечиктирмай етказилади бўлди.

1997 йилнинг декабрида Deutsche Post AG учун ўз хизматларини Германиядан четда ҳам кенгайтириш, бутун Европа бўйлаб ягона почта тизимини йўлга қўйиш имконини берувчи федерал қонун қабул қилинди. Бу немис почтачилари орзу қилган буюк мақсад — қитъа логистика хизматлари бозори етакчиси бўлиш томон ташланган қатта қадам эди.

1998 йил чин маънода Deutsche Postнинг миллий оператордан немисларга хос синчковлик ва батартибликни ўзида жам этган Европа логистика операторига айланиши йили бўлди. Айни шу йили трансчегаравий савдода қатнашувчи — Euro Express биринчи умумевропа сервис тармоғи ишга тушган. Бу лойиҳа шунчалик муваффақият қозондики, натижада, орадан санокди йиллар ўтиб, Герма-

Почта операторининг янги сифат босқичига кўтарилган почта хизмати миждозларга маъқул келди, энди улар Европанинг исталган нуқтасида ана шу хизматдан фойдаланишни исташарди.

ния почтасининг "Кўҳна қитъа" миқёсида тезкор элтув хизматлари етакчиси бўлишини таъминлади.

Кейинчалик ташқи фаолият доирасида бир қатор омалли харидлар амалга оширилди. DHL International транспорт компанияси ҳамда АҚШдаги етакчи хусусий почта оператори — Global Mailнинг қўлга киритилиши немислар учун Америка бозорини очди. Почта операторининг муваффақиятларидан қониқиш ҳосил қилган Германия ҳукумати, ўз навбатида, Deutsche Postbankдаги ўз улу-


DHL — бу:

- DHL Express — "Эшикдан-эшиккача" тамоийли асосида дунёнинг 220 мамлакатада шошилинч юкларни етказиш
- DHL Global Forwarding — исталган турдаги логистика, стандарт туридан тортиб, индивидуал сановат лойиҳаларигача тақдим этиш
- DHL SupplyChain — шартномали логистика бозори етакчиси
- DHL Global Mail — махсус почта хизматлари ва жўнатмаларни етказишнинг B2C-ечимлар соҳаси халқаро эксперти.

шидан воз кечди. Кейин навбат Швейцариянинг энг кўҳна логистика оператори — Danzas (1815 йилдан халқаро бозорда)га ҳамда Америкадаги энг йирик авиаюклар ташувчи Air Express International компанияси (дунёнинг 135 мамлакатадаги барча филиаллари, логистика марказлари, божхона терминаллари билан биргаликда)га келди. Буларнинг ҳаммаси бир ягона трансконтинентал бизнес таркибига кирди. Deutsche Post AG худди шу пайтдан ўзининг машҳур "тўртлик" режаси (почта хизматлари, экспресс-элтув хизматлари, логистика ва бизнес учун молиявий ечимлар) асосида хизмат кўрсатишга киришди.

2002 йили Германия почтаси топ-менеджменти 115та лойиҳани ўз ичига олган машҳур STAR дастурини тасдиқлади. Унга кўра, 2005 йилда даромадни 1,5 млрд. еврога етказиш режалаштирилган эди. Таъкидлаш керакки, немислар режани 40 миллион евро ортиғи билан удалашди. Бундан ташқари, 2012 йилнинг февралда Deutsche Post DHL банк соҳасидан чиқиш бўйича тўрт йиллик босқичма-босқич режасини ҳам муваффақиятли якунига етказа олди. Почта-банк хизматлари бўлинмаси — Postbankнинг 86,4 миллионга акцияси учун Deutsche Bank (Германия банки) 2,79 млрд. евро тўлагач, почта оператори логистика хизматларини янада ривожлантиришга зўр берди.

Бугунги кунда Deutsche Post DHL дунёнинг исталган чеккасида турли-туман хизматларни тақдим этиб келяпти. Zero, компания бизнес фалсафаси ҳам шуни акс эттириб турибди: "Биз нафақат юк ташишда, балки иш берувчи, инвестицияларни жалб этувчи сифатида ҳам биринчи рақамли бўлмоқчимиз".



Манба: Германия почтасининг йиллик ҳисоботи, 2015 й.

Собит АҲАДОВ тайёрлади

HAMKORLIK UQOLARI

ҲОМИЙЛИК

"DAEWOO TEXTILE FERGANA" масъулияти чекланган жамияти ҳамда Жанубий Кореянинг "Френд Азия" нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида Тошлоқ туманидаги 7-умумтаълим мактабининг ахборот-ресурс маркази биноси таъмирдан чиқарилиб, тўлиқ жиҳозланди.

— Ижтимоий муҳофазага, ёшларни ҳар томонлама етук, комил инсонлар этиб тарбиялашга Ўзбекистон ва Корея Республикасида алоҳида эътибор қаратилади. Тошлоқлик ёшларнинг илм олишларига озгина бўлса-да ҳиссамизни қўшганимиздан мамнунмиз ва, албатта, келажакда бу борадаги хайрия тadbирларимизни янада кўпайтирамиз, — дейди корхона бош директори Ким Ил У.

Кореялик ҳомийлар кўмаги билан 680 ўринли мактабнинг ахборот-ресурс маркази замонавий мебел жиҳозлари, сўнгги русумдаги компютер техникалари, телевизор, иситиш ва совутиш мосламаси, шунингдек, ўқув ҳамда бадиий, сиёсий адабиётлар билан тўлиқ таъминланди. Бу мақсадлар учун қарийб 100 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳар томонлама қулай, барча шароитларга эга АРМ биносини тантанали топириш маросимида сўзга чиққан мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари "DAEWOO TEXTILE FERGANA" МЧЖ корхонаси маъмуриятига миннатдорлик изҳор этдилар.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеklang кўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, V боб, 19-модда.

Тайёргарлик қизғин

Халқимиз тарихининг буюклиги, аввало, маънавият ва маърифатнинг юксаклиги билан белгиланади. Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафзурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш ахборот-кутубхона муассасаларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хоразм вилояти ахборот-кутубхона маркази ҳам бу борада муайян ишларни амалга оширмакда. Марказ хизматидан турли касб эгалари, фан арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, ишчи ва хизматчилар, ўқувчи ва талабалар фойдаланмоқдалар.

Вилоят ахборот-кутубхона марказининг веб-сайти ўзбек, рус ва инглиз тилларида фаолият кўрсатаяпти. ZiyoNET ва интернет тармоқларидан олинган ҳамда марказ ресурслари асосида тўла матнли маълумот базалари йиғиб бориляпти. Бунинг натижаси ўлароқ, онлайн маълумотлар базаси шакллантирилди. Марказнинг ёшлар билан маънавий-маърифий иш олиб бориш секторида "Бугунги кун китобхонлари ва китобхонлик масалалари" мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Унда Урганч нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, ўқитувчилари, ахборот-ресурс маркази ходимлари иштирок этди. Мулоқотда бугунги кун китобхони, китобхонлик масалалари, китобхонлар қизиқишлари ҳозирги кун долзарб масаласи эканлиги тўғрисида сўз борди. Тадбир баҳс-мунозарарага бой

бўлган ҳолда барчада китобга бўлган ишончни ва қизиқишни янада кучайтирди.

Бундан ташқари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Республи-

ка услубий кенгаш томонидан ташкил этилган "Ахборот-кутубхона муассасаларининг энг яхши мутахассиси" кўрик-танловини унинг Низомига асосан самарали ташкил этиш, ахборот-кутубхона ходимларининг мазкур жараёнда фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида марказда кўрик-танловнинг учинчи bosқичига катта тайёргарлик кўрилмакда. Ушбу кўрик-танловнинг республика bosқичида вилоят ахборот-кутубхона марказининг "Электрон кутубхона" интернет ўқув маркази сектори мудири Қаҳрамон Рўзметов, ТАТУ Урганч филиали АРМ 1-даражали кутубхоначиси Бонура Абдулова, Янгибозор туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи АРМ ходими Малоҳат Ибодуллоева, Янгирик туманидаги 9-умумтаълим мактаби кутубхонаси ходимаси Дилбар Эшметовалар иштироки кўзда тутилмакда.

Шунингдек, марказга йил давомида олинган янги адабиётларнинг кўргазма ва шарҳлари ўтказилмакда. Яқинда ушбу марказнинг илмий методика бўлими томонидан вилоят телевиденисининг "Янги кун" кўрсатувидида кутубхонага янги келган адабиётлар шарҳи ва шунга доир суҳбат намойиш қилинди.

Нилуфар ЖАББОРОВА, "Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

— Мазкур кўрик-танловда ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг ўз касбий фазилатлари, ижодий салоҳияти ва фаоллигини намойиш қилиши, шун билан бирга, ишга бўлган ижобий ёндашувлари инobatта олинган ҳолда, ахборот-кутубхона маркази ва ахборот-ресурс марказининг "Энг яхши мутахассиси" танлаб олинади, — дейди марказнинг илмий методика бўлими мудири Мавлуда Қурбонбоева.

Ахборот хавфсизлиги ҳодисалари статистикаси


Ўзбекистон Республикаси Оchiқ маълумотлар портали (data.gov.uz)да "UZ" доменда жойлашган веб-сайтларда аниқланган ахборот хавфсизлиги ҳодисалари статистикаси маълумотлар тўплами эълон қилинди.

Screenshot of the data.gov.uz portal showing statistics for information security incidents in the .uz domain. The table shows data for 2014 and 2015 across different months.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказига тегишли ушбу маълумотлар тўпламида 2014 йилда веб-сайтларда аниқланган ахборот хавфсизлиги ҳодисаларининг статистик маълумотлари келтирилган. Эслатиб ўтамиз, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази компютер ҳодисалари бўйича ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашга техник ва консултатив ёрдам бериш бўйича Ўзбекистонда ягона давлат муассасаси ҳисобланади.

Л.САИДУРОДОВ тайёрлади

ЧЕЛАКЛАР



Тасаввур қилинг: сизда чексиз сув захираси ҳамда битта 5 литрлик, битта 3 литрлик челак бор. Савол: сиз 4 литр сувни қандай ажратиб olasиз?

"Xabar"нинг 2015 йил, 23 октябр, 43 (1205)-сонида "Эврика" рунки остида chop этилган "Оила" жумбоғининг жавоби.

Оилада фақат бир кишининг акиси бор — бу эрининг синглиси. Шунинг учун унинг касби — муҳандис. Хотин — чилангар ҳам, иқтисодчи ҳам эмас (заводларда хотин-қизлар футбол жамоаларини кўрганмисиз?). Бундан келиб чиқадикки, у ўқитувчи ёки юрист. Бироқ унинг ўқитувчи бўлиши мантiқсизлик, агар шундай бўлганда у бир пайтнинг ўзида муҳандисдан ҳам катта, ҳам кичик бўларди. Демак, хотин — юрист, ўқитувчи эса унга қон-қариндош бўлмаган инсон, яъни эри. Қолган қариндошлар (чилангар ва иқтисодчи) — булар неvara ва бува. Чилангарнинг ёши кичик, демак, у ўғил, иқтисодчи эса унинг буvasи, яъни хотиннинг отаси.

Мазкур жумбоққа газетамизнинг энг фаол муштарийларидан Абдували Муҳаммадиев (Тошкент шахри) тўғри жавоб йўллаган.

"Челаклар" масаласининг ечимини e-tanlov@mail.uz электрон манзилга йўллагани унутманг!

ЭЪЛОН! Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2012 йили Дилшоджон Шовалиев номига берилган 512-07-13 рақамли талабалик гувоҳномаси ҳамда 512-07-13 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

SOHA FIDOYLARI

ЭЪЗОЗ

Чўл шароитида яшашнинг, ишлашнинг ўзи бўлмайди. Қум барханлари ичида фаолият кўрсатиш учун бир дунё сабр-тоқат, метин ирода керак. Бу фазилат барча томдиликлар қаторида қахрамонимиз Қазим СЕЙДАЛИЕВда ҳам мужассам.

Қозоқ қардошларнинг катта оиласида вояга етган К.Сейдалиев Томдидаги ўрта мактабни тугатиб, 1978 йилда "Навоий почтаси"нинг Томди шўбасида почтачи вазифасида иш бошлаган. Орада ҳарбий хизматда йигитлик бурчини ўтаб, бир неча йил туман қурилиш ташкилотидан фаолият кўрсатди.

Кейин, 1992 йилдан бошлаб, ҳозиргача Томди почта алоқаси тармоғида почтачи вазифасини бажаряпти. Салкам 40 йиллик меҳнат фаолиятининг қарийб чорак асрини шу соҳага бағишлади. Қизилқумнинг қорли аёзлари саратоннинг унча-мунча жазирама иссиқларини писанд қилмайдиган почтачи ҳаётдан нолишни билмайди. Ҳар бир ўтган кунига, ҳар бир осуда отган тонига шукрона айтади. Бепоеён кенгликлар саодатини тинчликда, хотиржамликда ҳис этади. Чунки машаққатли соҳанинг нонини еб, асло кам бўлгани йўқ.

Ҳалол меҳнати, иш тажрибаси билан юзлаб пенсионерлар, почта мижозлари, касбдошлари, овулдагилар ўртасида ҳурмат қозонди. Корхонада почта хизмати бўйича меъёрий ҳужжатлар, янги технологиялар асосида ишни ташкил этиш, корхона истиқболини ривожлантириш юзасидан соҳада қўшимча хизмат тури сифатида аҳолини даврий нашрлар, газета ва журналларга обуна қилиш, аҳолидан коммунал тўловлар бўйича тушумларни йиғиш бўйича намуна бўлиб, белгиланган режаларнинг уйдаланшида ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Томди почта алоқаси тармоғида уч нафар почтачи меҳнат қилади. Тармоқ томонидан Янгитомди овули, иккита умумтаълим мактаби, Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, иккита мактабгача таълим муассасаси ва иккита шифона, шунингдек, 400та ҳонадонда яшовчи 3692 нафар аҳолига почта алоқаси хизматлари кўрсатилади, 182 нафар пенсионерга нафақа пўллари вақтида етказиб берилди.

Кейинги уч йилда 53,3 млн. сўмлик почта алоқаси

хизматлари кўрсатилиб, режалар ўртача 104,1 фоизга бажарилди. Аҳолида коммунал хизмат тўловларини қабул қилиш натижасида ҳар йили 31,8 млн. сўм маблағ давлатга топширилади.

Тармоқ "Пенсия тўловлари назорати" автоматлаштирилган тизими, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясининг "Биллинг" тизими ва молиявий тўловлар бўйича операцияларни пластик картчалар орқали қабул қилиш йўлга қўйилган.

К.Сейдалиев аҳолига сифатли почта алоқаси хизматларини кўрсатиб, Томди почта алоқаси тармоғининг иқтисодий ҳолати яхшилашига кўмаклашмоқда. Унинг жонқуярлиги билан сўнгги икки йилда аҳолига газета, журналлар, китоб ва канцелярия маҳсулотларини сотиш ҳам ташкил этилди ва 4,8 млн. сўмлик қўшимча даромад олинди эришилди. У камтарин ходим сифатида тармоқ ижтимоий ҳаётида, ўзи яшаб турган овулда, жамоат ишларида фаол қатнашиб келаётган, барчага эътиборли инсон. Ишдаги ижобий кўрсаткичлари ва самарали меҳнати учун туман ҳамда вилоят ҳокимлиги ва филиалнинг фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида соҳадаги кўп йиллик ҳалол хизматлари "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти томонидан Фахрий ёрлик билан муносиб тақдирланганлар орасида томдилик қувонч ташувчи, соҳамиз жонқуяри Қазим Сейдалиевнинг ҳам борлигидан барчамиз мамнун бўлдик, — дейди "Ўзбекистон почтаси" АЖ Навоий филиалининг кадрлар бўлими бошлиғи Маҳбуба Ҳасанова.

Меҳнатни ардоқлаб, касбини шарафлаб яшаётган шундай оддий ва самимий инсонлар бор бўлсин!

Маруса ҲОСИЛОВА,

"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

HAKASBLARIMIZ

Садоқат

Янги чоп этилган нашрлар, нафақаларни ўз эгаларига вақтида етказиб бериш почта хабарчиси зиммасидаги вазифа. Атрофдагилар учун унчалик кўзга ташланмайдиган кўринса-да, бу соҳа ходимларининг иши ўта масъулиятли.

Марғилон шаҳар почта алоқаси тармоғи 6-алоқа бўлими хабарчиси Машхурбек Усмонов мана шу касбга меҳр қўйган. У кўп йиллардан буён фидойилик ва жонбозлик кўрсатиб фаолият кўрсатиб келмоқда. Дастлаб ишга қабул қилишганида уни тажрибали, кўп йиллик меҳнат фаолиятига эга Диёрбек Суяров ўзига шогирд этиб олди, унга ишни ташкил этиш, юритиш сирларини ўргатди.

— Устозим Диёрбек Суяровдан бир умр миннатдорман, — дейди хабарчи Машхурбек. — Одамларни қадрлашни, очик

фёшликни, масъулиятли вазифани ўз вақтида бажаришни шу инсондан ўргандим. Кўп йиллардан буён елкама-елка ишлаб келамиз.

Машхурбек почта хабарчилиги сир-асрорларини пухта ўргангани боис топшириқларни ўз вақтида, сифатли бажаришни одат қилган. Жамоаси ўртасида катта ҳурмат ва эътиборга эга. У "Йўрмадўз", "Косибчилик" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги А.Навоий, Ф.Ғулом, А.Қодирий, И.Шодиев номидаги, Юлдуз, Бахтиёрлик, Шохмансур, Арабгузар, Ал-Ҳидоя, Аҳкамдор, Пур

Сиддик каби ўнлаб кўчаларда яшовчи 643 нафар пенсионерга беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Хабарчи Машхурбек хизматидан мамнунман, вақтида нафақа пулимни, обуна бўлган газетамни келтириб беради, ширинсухан, муомала маданиятига гап йўқ, — дейди М.Шодиев кўчасида яшовчи, фронт орти фахрийси Қодиржон ота Солиев.

Мустақиллик йилларида ҳар соҳага, жумладан, почта тизими ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, почта тармоқлари хизматларини юксалтириш, унинг ривожини, бу хизматларни юртдошлар манфаатларига ҳамоҳанг равишда ташкил этишда барча ҳамкасблари қатори Машхурбекнинг ҳам ҳиссаси бор.

Шарафли ва масъулиятли ишида унга шижоат ва ғайрат тилаймиз.

М. МУҲАММАДЖОНОВ

SO'RANG,
JAVOB BERAMIZ

Қайси имтиёзлар бекор қилинди?

— Мен Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини бартараф этишда иштирок этганман. Яқинда туманимиз солиқ идорасига борсам, солиқ тўлашдаги имтиёзим бекор қилинганини айтишди. Шу ростми? Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларига доир қандай ўзгариш ва янгилликлар мавжуд? Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни баҳолашда қандай ставкалар белгиланган?

Алишер ИНОҒОМОВ,
Фарғона вилояти

— Сиз истиқомат қилаётган туман ДСИ ходимлари тўғри айтишибди. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 275-моддасида Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқароларнинг мол-мулк солигидан имтиёзлари бекор қилинган. Шунингдек, юқоридаги кодекснинг 290-моддасидаги йиллов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари ҳамда шахсий пенсия тайинланган шахсларнинг жисмоний шахслардан олинган ер солиғи бўйича имтиёзлари ҳам бекор қилинган.

Шоҳида МУҲАММАДЖОНОВА,
хуқуқшунос

Қариндошлардан алимент талаб қилса бўладими?

— Вояга етган, ammo меҳнатга лаёқатсиз бола ота-онаси вафот этган бўлса, яқин қариндошларидан таъминот талаб қилишга ҳақлими?

Ақбар ЖўРАЕВ,
Тошкент вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 108-моддасига кўра, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож, вояга етмаган болалар ота-онасидан, агар улар йўқ бўлса, қариндошлари ва ушбу кодексда кўрсатилган бошқа шахслардан ўз таъминоти учун алимент талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда алимент миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг моддий ва оилавий аҳволи ҳисобга олиниб, пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Мунаввар САЙДАЛАМОВА,
Куйичирчиқ тумани ФХДЭ бўлими
мудир

Эълон!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан "МАДАЛИЕВА МАДИНАХОН ГУЛДАСТАСИ" масъулияти чекланган жамиятининг (Фаргона вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2013 йил 3 декабрда берилган АА серияли 0004855 рақамли лицензиянинг амал қилиши унинг 2015 йил 20 октябрдаги 10/2-сон хатига асосан 2015 йил 4 ноябрдан тугатилди. Мазкур лицензиянинг ўрнига 2015 йил 4 ноябрдан то амал қилиши тугагунча бўлган муддатта теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига лицензия расмийлаштириб берилди.



Қўрматли муштарийлар
газетамизга

Обуна давом этмоқда!!!

Газетага "Ўзбекистон почтаси" АЖ алоқа бўлимлари, "Матбуот тарқатувчи" АК матбуот дўконларида обуна бўлишингиз мумкин!

АЛОҚАСИЗ ЛУҚАТИ

Брандмауэр (en — firewall, ru — межсетевой экран, брандмауэр) — "тармоқлараро тусиқ" ёки "файрвол" атамаларининг синоними (инглиз тилидан "оволови девор" деб таржима қилинади). 1. Ташқаридан компютерга ёки компютерлар гуруҳидан фойдаланишни назорат қилувчи ва ҳужумларни бартараф қилаётган дастур ва аппарат таъминотининг бирикмаси. Асосан интернет тармоғига уланган локал тармоқда ишлатилади.

Брокер (en — broker, ru — брокер) — турли кўришилари амалларда воситачи. Брокер-инсон билан бир қаторда, электрон брокерлар ҳам фаолият кўрсатади. Информатикада брокер амалий дастур бўлиб, бошқа гуруҳ дастурларининг ўзаро алоқасини таъминлайди. Бунинг мисоли сифатида объект сўровлари брокерини келтириш мумкин.

Булутли ҳисоблашлар (en — cloud computing, ru — облачные вычисления) — маълумотларга ишлов бериш технологияси, бунда дастурий таъминот фойдаланувчига интернет-сервис сифатида тақдим этилади. Барча маълумотлар интернет тармоғидаги серверларида сақланади ва мижоз томонида (шахсий ёки мобил компютер, телефон ва бошқа қурилмада) вақтинчалик кешланади. Ушбу атамалаги "булут" метафораси интернетни билдиради.

Буфер (en — buffer, ru — буфер) — маълумотларни вақтинча сақлаш учун ишлатиладиган компютернинг тезкор хотира ячейкаларининг бир қисми. Бошқа (масалан, компютерга кирувчи) қурилмалардан келган маълумотлар билан биргаликда қайта ишлаш зарурати тугилганда, улар буфердан чақуриб олинади. Маълумотларни буферга ёзиш ва вақтинча эслаб қолиш жараёни буферлаштириш деб аталади. Юқори тезликли катта буфер кеш-хотира деб аталади.

Юнон-рум кураши

Ёшлар ўртасида Ўзбекистон кубоги баҳслари ўтказилди

Пойтахтимизда юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон кубоги баҳсларида 190 нафардан зиёд ёш полвонлар голиблик учун кураш олиб бордилар.

Ўз вазн тоифаларида Илҳом Баҳромов (50 кг, Тошкент), Жавоҳир Мираҳмедов (55 кг, Тошкент), Абубакр Алимов (74 кг, Тошкент), Умид Ганиев (60 кг, Фарғона), Мирзобек Раҳматов (66 кг, Тошкент), Жалғас Бердимуратов (84 кг, Тошкент), Ҳожиакбар Шаҳобидинов (96 кг, Андижон) ва Аббос Иброҳимов (120 кг, Қашқадарё) барча рақибларини мағлуб этиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин эгаллашди.

Сузиш

Раёно Олимпиадага боради

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида давом этаётган Гран-при мусобақасида сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Раёнохон Омонова XXXI ёзи Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Р.Омонова 200 метр масофага комплекс усулда сузишда 2 дақиқаю 13,08 сония натижани қайд этди. Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси матбуот хизматидан хабар қилинишича, бугун яна бир ҳамюртимиз Владислав Мустафин 100 метрга брасс усулда сузиш бўйича баҳсларга киришди.

Гран-при мусобақасининг навбатдаги босқичи 6-7 ноябр кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўтказилади.

Дзюдо

Полвонларимиз шохсупада

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича "Катта дубулга" туркумига кирувчи халқаро турнирда терма жамоамиз аъзолари иккита бронза медални қўлга киритди.

Вазни 60 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида қатнашган Диёрбек Ўрозбоев ҳамда 66 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги полвонлар баҳсида иштирок этган тажрибали дзюдочимиз Ришод Собиров турнирда учинчи ўринни эгаллашди.

Ифтихор

Паралимпиячиларимиз ёруғ юз билан қайтишди

Қатарнинг Доҳа шаҳрида енгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон спортчилари биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медални қўлга киритди.

Юзга яқин давлат вакиллари иштирок этган нуфузли мусобақада тажрибали спортчимиз Ҳусниддин Норбеков ўзбекистонлик паралимпиячилар ўртасида биринчи бўлиб енгил атлетика бўйича жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. У мусобақанинг диск улоқтириш баҳсларида 53,81 метр натижа қайд этиб, жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди. Спортчимиз ядро улоқтириш баҳсларида ҳам муваффақиятли қатнашиб, 14,57 метр натижа билан бронза медални қўлга киритди.

Эстафета баҳсларида қатнашган терма жамоамиз аъзолари — Миран Саҳатов, Мансур Абдурашидов, Улуғбек Чориев ва Фаҳриддин Ҳамроев кумуш медал билан тақдирланган бўлса, узунликка сакрашда Бекжон Чеваров 6,65 метр натижа қайд этиб, учинчи ўринни эгаллади. Б.Чеваров ушбу кўрсаткичи билан Осиё рекордини янгиллади.



Эркин кураш

Артур Таймазов фаолиятини яқунлади

Эркин кураш бўйича уч қарра Олимпия ўйинлари чемпиони, Сидней Олимпиядасининг кумуш медал соҳибдори, Ўзбекистон ифтихори Артур Таймазов профессионал фаолиятини яқунлади. Таймазов ўзи учун бешинчи Олимпиада бўлиши мумкин бўлган Рио-2016 Олимпиадасида иштирок этмасликни лозим топди.

"Мен учун бу савол ёпилди. Кўзимдаги жарроҳлик амалиётидан сўнг анча пайт спортдан ташқарида бўлдим. Шифокорлар машғулот ўтказишимга рухсат беришмади. Қолган вақт мобайнида Олимпиадага кўнгиладигдек тайёргарлик кўра олмаيمان. Сайёҳ сифатида боришдан эса маъно кўрмайман", — деди эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Артур Таймазов.

Эслатиб ўтамиз, Артур Таймазов ушбу спорт турида энг кўп медалга сазовор бўлган дунёдаги ягона курашчи ҳисобланади.

Суюнчи

Билиб кўйган яхши

Навоий вилоят Перинатал марказида ҳар кунини ўнлаб чақалоқлар дунёга келади. 2015 йил 20 октябр кунини мазкур марказда нафақат навоийликларни, балки республикамиз аҳлини ҳайратлантирадиган қувончли воқеа рўй берди.

Тўрт эгизак

Карманалик Давлатбек Тўраев ва Дилфуза Ниёзовалар оиласида тўрт нафар чақалоқ дунёга келди. 2300, 1520, 1750 ва 2000 грамм оғирликда туғилган қизалоқларнинг тўртталаси ҳам соғлом. Биринчи марта оналик бахтига муяссар бўлган Дилфузахонга тажрибали неонатолог ва ҳамширалар чақалоқларни парваришлашда ёрдам беришмоқда.

Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош акушер-гинекологи Акрам Эшонқуловнинг айтишича, кичкинтойлар шифокорлар назоратида, ёш она айлани пайтда чақалоқларини бемалол ўзи овқатлантирмоқда. Демак, ҳаётбахш она сути ёрдамида митти қизалоқлар ҳадемай меъёрдаги вазнга эга бўлишади.

Дарвоқе, эгизакларга Фотима, Зухра, Заҳро ва Зулайҳо дея исм кўйишди. Ўзбекистон фуқаролари қаторидан жой олган қизалоқларнинг умри узоқ бўлсин!

Ўз мухбиримиз

ТЕЛЕФОННИНГ ЗАРАРИ ҲАМ БОР

Маълумотларга қараганда, бугун дунёда беш миллиардга яқин одам мобил телефондан фойдаланади. Кейинги йилларда уяли алоқа воситаси нафақат гаплашиш, балки бошқа кўплаб мақсадлар учун ҳам ишлатилапти.

Жумладан, телефон узоғимизни яқин қилиб, вақтимиз ва асабимизни асрайтти. Фарзандларимиз қаерда ва нима иш билан машғул эканлигини билиб, хотиржам бўлялмиз. Лекин мутахассисларимиз бу телефоннинг зарари ҳам анчагина эканлиги ҳақида оғоҳлантирмоқдаларки, унга амал қилмоқ саломатлиги ҳақида қайғурувчи ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Шуни нуутмаслик керакки, ушбу телефондан нурланиш биринчи ўринда ҳужайралар фаолиятига салбий таъсир қилади. Шунингдек, мобил телефонини доимо танасига яқин олиб юрадиганларда чарчаш, фикрлашда чалкашлик, бош айланиши, уйқусизлик ёки унинг бузилиши, кўнгил айланиши, терида сезгирлик опиши кузатилади. Дунё олимларининг фикрича, телефоннинг зарари биринчи галда терида экзема, астма, қон ҳужайралари бузилиши, ўсувчи организмга салбий таъсирида билинади.

Телефондан нурланиш, айниқса, чақирув кетаётганда нисбатан кўпроқ юз берар экан. Бунинг учун телефонни қулоқдан 10 см.га узоқлаштирсангиз, нурланиш даражаси 100 маротаба камаяди. Бундан ташқари, гаплашганда телефонни 1 см. узоқликда ушлаш мақсадга мувофиқдир. Илмий ҳулосаларга қараганда, телефоннинг мия ҳужайраларига салбий таъсири 13-15 сониядан кейин бошланадир экан. Шу боисдан имкон даражасида қисқа ва қулоқдан узоқроқда тутиб гаплашган маъқулроқ. Ушбу



салбий таъсир, айниқса, кичиккина мияси фаол ривожланиш даврида бўлган болаларда кўпроқ кузатилади. Шунингдек, телефон аппарати бел камарида, шим чўнтагида олиб юриш тавсия этилмайди. Бу репродуктив саломатликка салбий таъсир кўрсатади. Ётоқхонада телефонни ҳатто ўчирилган ҳолда ҳам қолдириш мумкин эмас. Айрим ҳолларда болалар уйғониш вақтини белгилаб, телефонни ҳатто ётиги тагига қўйиб ҳам ухлашди, бу эса ўта зарарлидир.

Шуни нуутмангки, нафақат мобил, ҳатто уй телефонида узоқ муддат гаплашувчилар организмда ҳам иммун тизими хавф остида қолади, тананинг турли касалликлар ва ташқи муҳит таъсирларига қаршилиги,

кўриш қобилияти, хотира сусаяди.

Афсуски, кўпчилик телефонда гаплашаётганда унинг зарарли томонларини ҳаёлига ҳам келтиришмайди, аксинча, амалга ошираётган ишлари тўғрисида уйлайди. Телефондан фойдаланувчиларнинг 70 фоизи қунига 30 дақиқадан кўп гаплашадилар. 30 фоиз киши иккитадан телефонга эга, 40 фоиз одам кечаси ухлаганда телефонни тананинг бош қисмидан 70 см. узоқликда сақлайди. Атиги 20 фоиз фойдаланувчи унинг зарарини эътиборга олади, холос.

Телефоннинг зарарли таъсирдан фориғ бўлиш учун сиз, аввало, гаплашиш вақтингизни чегараланг, телефон рақамини тараётганда ва кўнги-роққа жавоб бераётганда қулоғингиздан имкон даражасида узоқроқ тутинг. Автомашинада мобил телефондан иложи бўлса, фойдаланманг. Негаки, автомобилнинг металл қопламаси тўсиқ ўрнини босади, алоқа қийинлашади ва электромагнит тўлқин доираси ҳамда миқдори ошади. Худди шундай ҳолат металл гаражларда, ҳаммир-бетон қопламали уйлارда ҳам кузатилади, иложи бўлса ойна олдида ёки балконда гаплашинг. Агар уйингизда ва ишхонада уй телефонингиз бўлса, шулардан фойдаланинг.

Нуутманг, ҳар биримизнинг соғлиғимиз ўз қўлимизда. Саломатлигимизга зарар келтирувчи ҳар бир ҳолатдан ўзимизни асрасаккина, турли хасталиклардан, жумладан, мобил телефон орқали йўлиқшимиз мумкин бўлган касалликлардан ҳам узоқда бўламиз.

Лазоқат ХУДОЙБОҚОВА,
ички касалликлар шифокори

ALSKOM

сугурта компанияси


● Реклама

"ALSKOM"

сугурта компаниясининг
тиббий сугуртаси

ҳодимларингиз соғлиғи
ҳақидаги гамхўрликнинг
самарали воситасидир.

Ихтиёр тиббий сугурта
полисимиз орқали Сизга
мамлакатимизнинг барча
вилоят ва шаҳарлари бўйлаб
жойлашган 200дан ортиқ
турли тиббий муассасаларда
тиббий хизматлар кўрсатилади.



Бизнинг сугурта полисимиз — Сизнинг хотиржамлигингиз!

Доимо саломат бўлинг!

www.alskom.uz

Хизматлар лицензияланган

"ALSKOM" сугурта компанияси АЖ
Тошкент ш. Амир Темури к. 109
E-mail: info@alskom.uz
Тел.: 147-11-00 (211.312) Факс: 147-22-00

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусанд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Тахририятта келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтаини
жума кунини
чиқарилади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-1165 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ.
Адади: 9328 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва сақфаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят
мухбирлари:

Андижонда
226-47-80

Бухорода
715-87-21

Жиззахда
(94) 199-95-64

Наманганда
(90) 641-09-24

Навоийда
225-91-10

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
230-64-80

Термизда
(91)235-88-68

Тошкентда
288-40-66

Урганчда
(90) 713-21-40

Фарғонада
244-18-05

Қаршида
(93)931-08-99